



Ички ишлар органларида бошқарув қарорларини тушунчаси ва аҳамияти.

**Ўринбоев Қувончбек
Жумабой ўғли**

332-гурух

Annotatsiya

Ушбу мақола тадқиқот мавзусининг долзарблиги, Ички ишлар органларидағи қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ички ишлар органлари фаолиятидаги аҳамияти, уларнинг турлари ва бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар бўйича тушунчалар, ички ишлар органларидағи қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари Ички ишлар органларидағи қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ижроси бўйича хисобдорликни ташкил қилишнинг аҳамияти, ушбу фаолият доирасида юритиладиган ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф етиш бўйича бир катор таклифлар. Ички ишлар органларидағи қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ижроси бўйича хисобдорликни ташкил қилишнинг бошқа хорижий давлатларнинг илгор хорижий тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшашиб томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатлари фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомилаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

Kalit so‘zlar:

Конституция, хавфсизлигини таминлаш, бошқарув жараёни, Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, амал қилувчи қарорлар.

Аннотация: В данной статье рассматривается актуальность темы исследования, значение принимаемых управленческих решений в органах внутренних дел в деятельности органов внутренних дел, понятия об их видах и требованиях к управленческим решениям, специфика принимаемых управленческих решений в органах внутренних дел. Кроме того, акты об организации ответственности за исполнение принимаемых управленческих решений в органах внутренних дел, документы, проводимые в рамках данной деятельности, проблемы и недостатки в этой деятельности, а также предложения по устранению имеющихся проблем и недостатков отдельных видов. Освещены передовой зарубежный опыт организации ответственности за исполнение принимаемых управленческих решений в органах внутренних дел, а также

отличия и сходства с нашим национальным законодательством, а также направления совершенствования этой деятельности с использованием вышеуказанных аспектов.

Annotation: In this article, the relevance of the topic of research, the importance of the decisions of the adopted management in the internal affairs bodies in the activities of the internal affairs bodies, concepts on their types and requirements for management decisions, specifics of the decisions of the adopted management in the internal affairs bodies. In addition, the ahamity of Organization of accounting for the implementation of managerial decisions adopted in the internal affairs bodies, documents carried out within the framework of this activity, problems and shortcomings in this activity, as well as one-factor proposals for the elimination of certain types of existing problems and shortcomings. The areas of advanced foreign experience of other foreign countries and their differences and similarities with our national legislation, as well as the improvement of these activities using the above-mentioned aspects of the organization of cis on the implementation of the management decisions in the internal affairs bodies are highlighted.

Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини олиб бораётган ҳар қандай ташкилот ёки муассаса иш самарадорлигини ошириш ходимларнинг ишчанлик даражасини юксалтириш ва уларнинг масулиятини ошириш борасида норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиласди.

Ички ишлар органлари фуқароларни ҳуқуқлари эркинликли ва қонуний манфатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конститутсиявий тузумни химоя қилишда қонун устуворлигини шахс жамият ва давлатнинг хавфсизлигини тамиллашда шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини тамиллаш каби вазифаларни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида бошқарув қарорларини қабул қиласди. Ҳар бир бошқарув тизими уларни бошқарув қарорлари қабул қилиш орқали ҳал этади. Ҳар қандай амалий ҳаракат у ёки бу қарорни чиқаришдан бошланади. Демак бошқарув қарори нафақат бошқарув жараёнини асосий босқичи (элементи, таркибий қисми) сифатида, балки бошқарув мақсадларига эришишнинг асосий воситаси сифатида ҳам қаралиши мумкин¹. Ички ишлар органлари бошқарув субектлари томонидан фаолиятини ҳуқуқий жихатдан тартибга солишни талаб қиласидиган масалаларни ҳал қилиш юзасидан бошқарув қарорларини қабул қиласди.

Бошқарув қарори-норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида ифодаланган хамда аниқ мақсадларга эришиш учун амалга ошириладиган тадбирларни, қўлланиладиган усуслар ва воситаларни, фойдаланиладиган моддий русурсларни, шунингдек ижро жараёнида бошқарув субектлари ва обьектларининг ташкилий шаклларини белгиловчи ҳаракат дастуридир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари,

¹ Пулатов Ю.С., Исмаилов И. У., Курбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари.-Т., 2005. -Б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек юқори турувчи органларнинг кўрсатмалари, ички ишлар органлари муассасаларининг олдида турган малум бир масалаларни ҳал қилиш муносабати билан ички ишлар органларида бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Шуларни инобатга олган холда ички ишлар органларида қўйидаги бошқарув қарорлари қабул қилинади:

- **Қарор**
- **Буйрук**
- **Фармойиш**
- **Низом**
- **Қоида**
- **Йўриқнома** каби бошқарув қарорлари қабул қилинади .

Битта буйрук билан бир нечта низом, қоида ёки йўриқномани тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Ички ишлар органларида қабул қилинган бошқарув қарорлари доимо Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек юқори турувчи органларнинг кўрсатмаларига зид тарзда қабул қилиниши мумкин эмас.

Ички ишлар органларида қабул қилинган бошқарув қарорлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг бутун тизими миқёсида амал қилувчи, вилоятлар ички ишлар органлари тизими миқёсида ва шаҳар туман ички ишлар органлари тизимида амал қилувчи қарорларга бўлинади.

Ички ишлар органларида қабул қилинган ҳар бир бошқарув қарорлари ички ишлар органлари тизимини замонавий профессионал тузилмага айлантириш ва ахоли билан янада яқин хамкорликда ишлаш мақсадида қабул қилинади.

Ички ишлар органларида бошқарув қарорлари қабул қилишни ташкил этиш учун, раҳбарларга сифатли ахборот зарур бўлади. Бу каби сифатли ахборот қўйидаги белгиларга эга бўлади:

- **Ишончлилик**
- **Замонавийлик (охирги янгиликларга асосланганлиги)**
- **Комплекслилик (керакли масалаларнинг барчасини қамраб олади)**
- **Қисқалик**
- **Кўрилаётган муаммога тегишлилик**

Ушбу белгилар орқали Ички ишлар органларида бошқарув қарорлари қабул қилинаётганда доимо маълум бир малумотларга ва тахлилий хужжатларга тайанилади ва ушбу хужжатлар ишончлилик даражасига эга бўлиши лозим.

Биз ушбу малумотлар асосида замонавий телекоммуникатсиялардан фойдаланган холда бошқарув қарорларини лойихаларини тайёрлашимиз ва уларни қабул қилишимиз мумкин.

Бошқарув қарорларидағи илгари сурىлған масалалар ва күрсатмалар ички ишлар органларининг олдига қўйилған муаммоларни ечиш бўйича аниқ ва етарли даражада тегишли муаммога мос тушиши уларни баён қилиши лозим хисобланади.

Бошқарув қарорлари мазмун моҳияти тушунарли тарзда баён қилиниши керак ва жаргон сўзлардан, бир маромда ўқиш учун қийинчилик туғдирадиган сўзлардан шунингдек изоҳ талаб қилувчи қисқатмалардан фойдаланиш мумкин эмас.

Бошқарув қарорлари бошқарув даражасига кўра қўйидагича тавсифланади:

- алоҳида шахс (мутахассис) нинг қарори
- бўлим, бўлинма ёки гуруҳ раҳбарининг қарори
- бошқарма ёки бўлим раҳбарининг қарори (шаҳар, туман ИИБ раҳбарининг қарори)
- бош бошқарма ёки бошқарма раҳбарининг қарори (вилоятлар ИИБ раҳбарининг қарори)
- вазир ёки вазирлик раҳбариютининг қарори.

Ички ишлар органларида қабул қилинадиган бошқарув қарорлари қўйидаги уч функцияни бажаради:

- **йўналтирувчи функция** - бу тизимнинг мақсадини аниқлаш, фаолиятнинг стратегик ривожланиш йўналишларини, шунингдек сифатли таркибий ўзгаришларни танлаш ва асослаш.
- **ташкил этиш функцияси** – бошқарилувчи тизимнинг алоҳида қисм ва элементларининг харакатларини тартиба солиш ва мувофиқлаштириш.
- **ундаш функцияси** – турли манфаат ва қизиқишларни ўзаро келишиш уларни умумий мақсад йўналишига қаратиш.

Қарор ишлаб чиқишида тегишли хизмат ва бўлинма ходимлари, ижрочилар, жамоат тузилма вакиллари, орган ходимлари жамоасининг иштирок этиши нафақат қарорнинг ўзини бойитади, балки уни муваффақиятли амалга ошириш учун қулай шароит яратади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин ички ишлар органлари ўз фаолиятини амалга оширишда энг авваламбор қонун нормаларига ва ички идорвий хужжатларга таянади бу эса фаолиятнинг янада ривожланиши учун шароит яратади. Ички ишлар органлари фаолиятига доир қабул қилинган қонун нормалари ва амалдаги норматив ҳукуқий хужжатларни ходимлар томонидан ўз вақтида ўзлаштирилиши ҳар бир ходимнинг иш фаолиятини самарали амалга оширилиш учун шароит яратади.

ФОЙДЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.2021 йил 20-апрел “Норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси қонуни

2. Ички ишлар органларида бошқарув асослари Пулатов Ю.С., Исмаилов И. У., Курбонов А

3.http://my.gov.uz/(Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalı)

4.http://lex.uz(O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari milliy bazasi)